

Амалий ва фундаментал тадқиқотлар бўлимида кўчма дарс

2019 йил 7 май куни ҚСХЭТ факултети 309, 310а-гуруҳ талабалари учун “Светотехника ва электротехнология” фанидан “Ультрабинафша нурлатиш манбалари билан танишиш ва иш режимларини ўрганиш” мавзусида “Бош махсус конструкторлик бюроси” (“ВМКВ-Agromash” АЖ) корхонасида кўчма дарс ташкил этилди. Талабалар кўчма дарс давомида корхонанинг Амалий ва фундаментал тадқиқотлар бўлими ходимлари тамонидан яратилган ультрабинафша нурлатгич орқали ўсимликларни электравжлантириш қурилмасининг тузилиши иш режимлари билан яқиндан танишдилар.

Ультрабинафша нурларини инсон организмига, ҳайвонларга ва ўсимликларга таъсири ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлдилар. Бугунги кунда ультрабинафша нурлатгичларнинг қишлоқ ва сув хўжалигида қўлланилиши, маҳсулотларга бирламчи ишлов беришда ультрабинафша нурларнинг аҳамияти ҳақида тушунчага эга бўлишди. Кўчма дарсни “ЭТ ва ЭЖФ” кафедраси доценти Т.М. Байзаков, ассистентлар А.А. Турдибоев, Ш.Б.Юсуповлар ташкил этишди.



Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов